



## ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДА ИШ СТАЖИНИ ҲИСОБГА ОЛИШИННИГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР ТАҲЛИЛИ

**Рахмонов Нуриддин Мухаммаджонович**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Бошқарув кадрларини тайёрлаш факультети декан ўринбосари,

Ташкент, Ўзбекистон. Email: [nrakhmonov86@gmail.com](mailto:nrakhmonov86@gmail.com)

ORCID: 0000-0001-5531-8460

## ANALYSIS OF PROSPECTIVE DIRECTIONS OF ACCOUNTING FOR WORKING PERIOD IN PENSION

**Nuriddin Rakhmonov Mukhamadjonovich,**

Deputy dean of the Faculty for Management of personal training

Banking and Finance Academy of Republic of Uzbekistan,

Tashkent, Uzbekistan. Email: [nrakhmonov86@gmail.com](mailto:nrakhmonov86@gmail.com)

ORCID: 0000-0001-5531-8460

**JEL Classification:** J01,J26

**Аннотация.** Уйбу мақолада пенсия таъминоти тизмида энг глобал муаммолардан бири ҳисобланган аҳоли ёш таркибининг жиёддий ўзгариши, яъни аҳоли ёш таркибида кекса ёшдаги фуқаролар улушининг ортиб бориши, аҳолининг ўртacha умр кўриши давомийлигининг ошиб бориши, пенсия таъминотида меҳнат стажининг аҳамияти ва моҳиятини ўрганиши, меҳнат фаолиятини ҳисобга олиши, давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш, пенсия имтиёзларини қўллаш ва фуқароларга пенсия таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалалар келтириб ўтилган.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, пенсия тизими фаолиятини инсон манфаатларига қаратилган муносабатларни йўлга қўйши ва ундан самарали фойдаланиши, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиши ва кишиларни кексаликда камбагалликдан ҳимоялашда мухим ўрин эгаллайди. Пенсия тизими пенсия бадаллар асосида шакллантириладиган ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириши ва конституцион ҳуқуқларини амалга ошириши учун йўналтириладиган нутубат маблаглари фондидан фойдаланишига асосланади.

Ҳар қандай давлатнинг энг мухим мажбuriятларидан бири бу ўз фуқаролари учун уларнинг узоқ ишлек самарли меҳнат давридан кейин кексаликни муносаб тарзда ижтимоий ҳимоя орқали таъминлаш ҳисобланади. Бу функцияни бажарии учун давлат меҳнатга лаёқатсиз аҳоли қатламига (қарилек, ногиронлик ва бокувчисини йўқотганлик бўйича) ижтимоий шаклга эга бўлган пенсия тўловлари шаклида моддий рагбатларни молиялаштириб боради. Кўпайиб бараётан аҳоли сони ва пенсия ёши ўтасидаги мутаносибликни тамиллаш, аҳолини меҳнатга лаёқатсиз қатламини ижтимоий ҳимоя қилиши учун пенсия олиши ҳуқуқини юзага келтирадиган ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни самарали механизмини жорий этишида меҳнат стажи ва пенсияни ҳисоблашда қўлланиладиган ўртacha иш ҳақи ўтасидаги боғлиқлики мунтазам қузатиб илмий жиҳатдан тадқиқ этиб бориши зарурати мазкур мавзунинг долзарбилигини асосланади.

**Abstract:** In this article, a serious change in the age structure of the population, which is considered one of the most global problems in the pension system, that is, an

increase in the share of elderly citizens in the age structure of the population, an increase in the average life expectancy of the population, a study of the importance and essence of work experience in pension provision, taking into account labor activity, state issues related to appointment and payment of pensions, application of pension benefits and provision of pensions to citizens are mentioned.

World experience shows that the pension system plays an important role in establishing relationships aimed at human interests and its effective use, solving social problems and protecting people from poverty in old age. The pension system is based on the use of funds, which are formed on the basis of pension contributions and directed to meet the social needs of the population and exercise their constitutional rights.

One of the most important obligations of any country is to provide its citizens with adequate social security for old age after long years of productive work. To fulfill this function, the state finances material incentives in the form of social pension payments to the non-working population (for old age, disability and survivors). In order to ensure the proportionality between the growing population and the retirement age, to introduce an effective mechanism of social and economic relations that creates the right to receive a pension for the social protection of the population unable to work, to regularly monitor and conduct scientific research on the relationship between the length of service and the average salary used in calculating the pension necessity justifies the relevance of this topic.

**Калим сўзлар:** Пенсия, пенсия таъминоти, белгиланган иш стажси ва иши хақлари, маҳсус иши стажси, ўртacha иши ҳақи, таянч миқдор, иши стажини ҳисоблаш механизми.

**Keywords:** Pension, pension provision, fixed length of service and salary, special

length of service, average salary, base amount, length of service calculation mechanism.

### Кириш.

Иқтисодиётнинг модернизациялаш шароитида давлат пенсия таъминотини ислоҳ этишининг концептуал асосларини, жаҳонда пенсия тизимини вужудга келиши, ривожланиш омиллари ва босқичлари, бирдамлик пенсия тизимидан жамғарип бориладиган пенсия тизимига ўтишнинг объектив зарурлиги, ислоҳатларни иқтисодий механизми ва амалга ошириш дастаклари, ислоҳ этиш моделларини қўёсий таҳлил этиш ва уни Ўзбекистон давлат пенсия таъминотини ислоҳ этиш жараённида ижодий кўллаш муаммолари бугунги кунда ушбу соҳанинг қай даражада долзарб эканлигини кўрсатади. Пенсия тизимининг пировард мақсади ҳамма меҳнат пенсионерларини моддий таъминотини барқарор механизмини яратишдан иборатdir. Тараққий этган мамлакатлар тажрибасига асосан бирдамлик тизимидан жамғарилиш тизимига ўтиш мамлакат пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Пенсия тизими меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиши тизимининг муҳим бўғини ва ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши бўлиб, уни самарали амал қилиши мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожланиншини ва самарадорлигини оширишни муҳим омили ҳисобланади.

Пенсия тизими пенсия бадалларини ҳисобга олиш, тўплаш, уларни инвестициялаш пенсияларнинг миқдорини ҳисоб-китоб қилиш ва уларни тўлаш механизми ҳисобланади. Умумий тарзда, пенсия тизимининг даромадлари таркибиغا куйидагиларни киритиш мумкин:

- иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий суғурта бадаллари;
- инвестициялаштирилган капиталдан олинган дивидентлар;
- фуқароларнинг ихтиёрий равища ўтказиладиган жамғармалари ва бошқалар.



Ўз навбатида, пенсия тизимининг харажатлари умумий кўринишда пенсия тўланмалари ва маъмурий бошқарув харажатларидан ташкил топади. Халқаро амалиётда пенсия тизимининг самарадорлигини “қоплаш коэффициенти”<sup>1</sup> орқали ўлчанади. Ушбу кўрсаткич тайинланган ўртacha миқдорнинг ўртacha иш ҳақига нисбати билан ўлчанади. Халқаро Меҳнат ташкилоти тавсиясига кўра қоплаш коэффициенти 40%дан кам бўлмаслиги лозим. Бир вақтнинг ўзида, амалиётда ушбу ҳолатни аниқлашининг яна бир бошқа муҳим мезони “боғлиқлик

коэффициенти”дан фойдаланилади. Ушбу коэффициент пенсионерлар сонининг банд бўлган ходимлар сонига нисбати орқали ҳисобланади.

**Материал ва метод.** Пенсия тизими фаолияти ва ушбу тизимда иш стажини ҳисобга олиш ва иш ҳаки миқдорларининг ҳисоблашнинг халқаро амалиётда бир неча усусларда амалга оширилади. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, ушбу йўналиш бўйича тадқиқотлар олиб борган бир нечта хорижий ва маҳаллий олимларнинг таърифларини 1-жадвалга мувофиқ келтириб ўтилади.

## 1-жадвал

### Пенсия тизими ва унинг асосий фаолият турлари тушунчаларининг таърифланиши<sup>2</sup>

Муаллифлар	Таъриф
А.Соловьев (2013 й)	“Пенсия” - бу ишчининг меҳнат фаолияти даврида Пенсия жамғармасига мажбурий ёки ихтиёрий равишда сугурта бадаллари шаклида ўтказиш орқали келажакда пенсия тўловлари учун тўланадиган ойлик иш ҳақининг маълум бир захирага олинган қисмидир.
В.Юрьева (2001 й)	пенсия тўловлари, фуқароларнинг белгиланган пенсия ёшига етганда, ногиронлик белгиланганда, бокувчисини йукотганда хамда давлат олдидаги узок хизматлари ва маҳсус хизматлари учун туланадиган пул туловларидир.
Эспинг-Андерсонлар (2007 й)	ёшга доир пенсияларини тайинлашда ва унинг миқдорини аниқлашда энг асосий эътибор иш ҳақини инобатга олиш буйича илмий тадқиқотлар олиб боришиган. Чунки, пенсия миқдори энг катта таъсир этувчи омиллардан бири иш ҳақидир
А.Григорьев (2010 й)	Пенсия соҳасида корпоратив ижтимоий дастурларни ишлаб чиқишида иш берувчиларнинг эркинлиги анча юқори бўлиши керак. Иш берувчилардан пенсия тўловларини тўлашда ҳар бир ходим дарҳол ушбу пулга бўлган хукуқларни олиши ва иш берувчининг уларни тасарруф этиш хукуқини йўқотишларини дарҳол сўндириши мумкин эмас. Бу ёндашув иш берувчиларнинг мотиватсиясини сезиларли даражада камайтиради. Иш берувчилар пенсия тўловларини ҳисобга олиш ва ходимларга маълум хукуқларни тан олиш бўйича манёвр эркинлигини сақлашлари

<sup>1</sup> Мамлакат пенсия тизимининг самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, ўртacha пенсия миқдорининг ўртacha иш ҳақи миқдорига нисбатини ифода этади.

<sup>2</sup> Манба: Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида тузиб чиқилган.

	керак, аммо бу шартлар корпоратив нафака режасида аниқ белгиланиши ва ходимларга этказилиши керак. Ходимларнинг пенсия хукуқларини ҳимоя қилиш, биринчи навбатда, уларни барча тегишли ахборот билан таъминлаши керак.
Н.В.Витрук (2008 й)	Суғурта пенсиясига бўлган хукуқни амалга ошириш воситаси - бу фуқарога маълум турдаги суғурта пенсиясини тайинлаш билан "ўчирилган" ва суғурта пенсиясини тўлаш учун моддий хукуқий муносабатларга йўл қўядиган қонуний даъво деб ҳисоблади.
А.Мыслеева (2007 й)	Пенсия миқдори иш хақи миқдори билан чамбарчас боғлиқдир. Агар иш хақи миқдори қандайдир сабабларга кура камайиши кузатилса, пенсия тўловлари миқдорини хам камайишни кузатиш мумкин. Бундай тизимда суғурта бадаллари тўлашдан бош тортиш учун иш хақи миқдорларини яширишга уринишлари мумкин.
А.Карлсон (1996 й)	Пенсияларнинг жорий етилиши болаларнинг ўзларининг кексалик ёшига қўйган сармояси сифатида иқтисодий аҳамиятини йўққа чиқарди ва иқтисодий фойда бўлмаган тақдирда одамлар харажатларни минималлаштириш учун атайнин иложи борича камроқ фарзандларни дунёга келтиришни бошлайдилар деб такидлаб ўтишган.
Д.А.Рахмонов (2015 й)	Пенсияларни муддатидан олдин тайинлашда талаб этилган ёшга етгунга кадар ҳар бир ой учун чегириладиган сумма улушини табақалашган фоизларда белгилаш хамда ёшга доир пенсия тайинлашда пенсия ёшидан ортиқ; ишланган ҳар бир йил учун пенсия миқдорини ўртача иш хақига нисбатан эмас, балки пенсионернинг ўз пенсия суммаси миқдорига нисбатан ортиқча ишланган ойлар кесими бўйича фоизларда оширишни белгилашни келтириб ўтган.
З.Кузнецова (2014 й)	Сўнгги йилларда ривожланган мамлакатларда аҳолининг ўртача умр кўриш ёшининг ошиши ва туғилишнинг камайиши демографик масалалар қаторидан чиқиб тобора иқтисодий муаммога айланиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда бир нафар 65 ёшдан ошган пенсионер фуқарога 4-5 нафар меҳнатга лаёкатли аҳоли нисбати тўғри келган бўлса, 2020-2025 йилларга бориб айрим Европа мамлакатларида уларнинг ўртасидаги нисбат 1:2,5 бўлиши кутилмоқда. Мазкур ҳолат пенсия таъминотига оид харажатларни ўсиши пировардида яқин келажакда барқарор молиялаштириш учун қўшимча молиявий манбаларини излаб топишни ва давлат пенсия таъминоти самарадорлигини такомиллаштиришни тақозо этади.

Мазкур соҳадаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг пенсия таъминоти, тизим фаолиятида иш стажлари ва иш ҳақларини ҳисобга олиш жараёнлари тўғрисидаги таърифларнинг ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида биз ушбу тизим

фаолияти бўйича қуидагича таърифларни келтириб ўтамиш:

*Пенсия* – уни олиш хукуки қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган хамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки бокувчисини йўқотганлик муносабати



билин бериладиган ойлик тўлови. *Иш ҳақи* – шахснинг пенсиясини ҳисоблаш үчун қабул қилинадиган иш ҳақи ҳисобланади. *Иш стажи* – меҳнат дафтарчаси ва иш жойидан, хизматдан, ўқишдан ёки архивдан берилган бошқа хужжатлар бўйича аниқланган, ишдаги танаффуслардан қатъий назар, қонун хужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти хукуқини берадиган меҳнат фаолияти ва бошқа фаолиятнинг умумий давомийлиги антлатади. Бундан ташқари, маҳсус иш стажи тушунчаси ҳам бор, бу халқ хўжалигининг муайян тармоқларида, касблар ва лавозимларда қонун хужжатларига мувофиқ имтиёзли пенсия таъминоти хукуқини берадиган меҳнат фаолиятининг давомийлигини билдиради [1].

Фуқароларнинг меҳнат фаолияти самаралари ҳисобга олиш ва иш ҳақи миқдорларини ҳисоблаб чиқишида А.К.Соловьев ўз изланишларида қуйидаги бир қатор фикр ва тарифларни илмий асосланган ҳолда келтириб ўтган. Жумладан, Суғурта пенсия тизимидағи меҳнат ҳиссасини ўлчашнинг миқдорий мезонлари иш стажи ва иш ҳақи, даромад кўрсаткичлари сифатида тан олинади (шартли равища молиялаштирилган моделда - тўпланган пенсия капитали/суғурта бадаллари миқдори). Шу билан бирга, авлодлар бирдамлиги ва жамғаруб бориладиган пенсия дастурлари пенсияларни шакллантириш шартларини, пенсия миқдорларини диверсификация қилишга ва ҳар хил тоифадаги суғурталанган шахсларни ўзларининг пенсия хукуқларини шакллантиришда фаол иштирок этишга, институционал ва суғурта моҳияти жиҳатидан иқтисодий рағбатлантиришга имкон берди. Анъанавий пенсия суғуртаси тизимларида параметр кўрсаткичлари пенсия хукукларида ҳисобга олинган иш стажи ва мажбурий пенсия суғуртасига

олинадиган даромад миқдори ҳисобланashi билдирган [2].

М.Зиядуллаев ўз илмий қарашларида куйдагича такидлаб ўтганлар: нинг тақидлашича, Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистонда фаол ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янгича амалий ва самарали шаклларни кўллашни тақозо этади. Жаҳон тажрибасига кўра, пенсия тизими фаолиятини йўлга кўйиш ва ундан самарали фойдаланиш бошқа даромад ҳисобга олинган ҳолатда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва кишиларни кексалиқда камбағалликдан ҳимоялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Пенсия тизими таъминот асосида шакллантириладиган ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва конституцион хукуқларини амалга ошириш учун йўналтириладиган пул маблағлари жамғармасидан фойдаланишга асосланади. Пенсия тизимида хизмат қилувчи пенсия жамғармаси учун даромад манбаларининг аниқ белгиланганлиги, маблағларнинг қатъий мақсадли ишлатилиши, аҳоли ижтимоий табақалашувини юмшатишига йўналтирилганлиги, маблағларнинг шаклланиши ва ишлатилиши муддатларининг мос келмаслиги, мустакил молия-кредит ташкилоти ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғарма эканлиги ҳамда ижтимоий таъминотнинг муҳим элементи эканлиги каби хусусиятлар хосдир. Ўзбекистон Республикасида аҳолини, шу жумладан, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида амалга ошириб келинаётган ишларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган ижтимоий таъминот олиш хукуқини рўёбга чиқаришга қаратилган. Масалан, Конституциянинг 39-моддасида “Ҳар ким қариганда, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, шунингдек бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда

ижтимоий таъминот олиш ҳукуқига эга” деб белгилаб кўйилган [3].

**Натижалар.** Давлат пенсия тизимини такомиллашииш, унинг истиқболини белилашда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Европа статистика ташкилоти башоратига кўра, кейинги 50 йил давомида Европа мамлакатлари аҳолисининг қариши кузатилиб, бунда Чехия аҳолиси ёши янада тез суръатлар билан ўсиши тахмин қилинади.<sup>3</sup> Европа Иттифоқи таркибидаги Чехия Республикаси пенсия тизимида уч бўғин: давлат, жамғариладиган ва хусусий пенсия фондларидан иборат. Пенсия миқдори асосий миқдор ҳамда даромад ва иш стажидан шаклланади. Чехияда мажбурий суғурта бадаллари тўловчилар 8,5 млн. киши бўлиб, улардан 5 млн. нафари ёлланма ишчи ва хусусий тадбиркорлар ташкил етади. Давлат пенсияси учун пенсия бадалларини тўлашда юқори чегара ўрнатилган бўлиб, у ҳозирда 148 440 Чехия кронни ташкил қиласди. Бу миқдордан ошиқ иш ҳақи олувчилар фақат шу миқдордаги иш ҳақларидан суғурта бадали тўлайди. Бунда ишловчи 6,5 фоиз, иш берувчи - 25 фоиз, хусусий тадбиркор – 29,2 фоиз суғурта бадаллари тўлайди. Бунда хисобланган база 5928 кронадан кам бўлмаслиги керак, ушбу базадан кам бўлса 1730 крона тўлайди. Пенсия таъминоти тизимида уч пенсия тури: ёшга доир, боқувчисини йўқотганлик ва ногиронлик пенсиялари мавжуд.<sup>4</sup> Ёшга доир пенсияга чиқиш еркаклар ва аёлларга 65 ёш, талаб қилинган иш стажи 28 йил, бунда камида 18 йил иш стажига ега бўлиши керак. Пенсия хисоблашнинг янги тартиби ишлаб чиқилиб, унда:

- асосий белгиланган миқдори 2230 крона;
- ўртача иш ҳақининг 11 061 кронагача 100 фоиз;
- ўртача иш ҳақининг 11 061 дан 29

159 кронагача 28 фоиз;

- ўртача иш ҳақининг 29 159 дан 100

548 кронагача 16 фоиз;

- ўртача иш ҳақининг 100 548 кронадан ортиқ қисмига 8 фоиз ҳисобга олинади ҳамда умумий миқдор йиллик стажига қараб 1,5 фоизга кўпайтирилади, аниқланган суммага 2230 крона кўшилади ва пенсия миқдори аниқланади. Ўртача иш ҳақи миқдори тегишли коеффициентлар билан охирги 15 йиллик суғурта бадаллари тўланган иш ҳақидан аниқланади. Ёшга доир пенсия тайинлашда фуқаро белгиланган ёшни муддатидан 3 йил олдин пенсияга чиқиш имтиёзи мавжуд, бунда белгиланган ёшни муддатидан 3 йил олдин пенсияга чиқса 1,5 фоизга, 2 йил олдин чиқса 1,2 фоизга, 1 йил олдин чиқса 0,9 фоизга аниқланган пенсия миқдоридан хар бир чорак учун камайтирилади. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинланишда ёшга доир пенсиясини ҳисоблаб чиқиш тартиби қўлланилади. Ногиронлик уч тоифада аниқланаб, пенсия тайинлашда иш стажи талаб қилинмайди, лекин 28 ёшдан ошганларга камида охирги 10 йилликнинг беш йилида ишлаган бўлиши шарт. Хисоблаш тартиби куйидагича:

1) асосий белгиланган миқдори ўртача иш ҳақининг 9 фоизи ёки 2250 крона белгиланган. Ўртача иш ҳақи миқдори тегишли коеффициентлар билан охирги 15 йиллик суғурта бадаллари тўланган иш ҳақидан аниқланади;

2) ногиронлик I тоифасига миқдор йиллик стажига қараб 0,5 фоизга кўпайтирилади;

3) II категорияга йиллик стажига қараб 0,75 фоизга кўпайтирилади;

4) III категорияга йиллик стажига қараб 1,5 фоизга кўпайтирилади. Чехия пенсия тизимида жиддий тус олаётган муаммо

<sup>3</sup>Европа статистика ташкилоти [www.epp.eurostat.ec.europa.eu](http://www.epp.eurostat.ec.europa.eu) интернет сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>4</sup>Хмыз О.В. Направления интеграции системы пенсионного обеспечения Чехии с европейской. Московский

сифатида ўсиб борувчи пенсия харажатларини молиялаштириши ҳисобланади. Хозирда, пенсия харажатлари ЯИМга нисбати 7 фоиз бўлса, 2060 йилда бу кўрсаткич 11 фоизни ташкил етади. Шунингдек, 2060 йилда мамлакатнинг 65 ёшдан юқори аҳоли 1,6 млн. дан 3,2 млн. кишига, 75 ёшлилар 0,7 млн. дан 2 млн. кишига, 85 ёшлилар 0,2 млн. кишидан 0,7 млн. нафарга етиши кутилмоқда. Шу нұктаи назардан,

экспертларнинг фикрича, демографик ўсишнинг салбий тенденциясини ўзгариши юзасидан зарурый пенсия ислоҳотлар амалга оширилмаса, 2050 йилда Чехия пенсия тизими таназулга юз тутишини тахмин қилиш мумкин.


Юртимизда бугунги амалдаги қонунчиликка асосан иш стажларини ҳисобга олиш тартиби қўйидаги шаклда амалга оширилади:



**1-расм. Пенсияларни ҳисоблаб чиқаришда иш стажи ва иш ҳақиларни ҳисобга олиш тартиби<sup>5</sup>**

Белгиланган тартиб асосида иш стажлари ва иш ҳақилари ҳисоблашда пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг

ўн иккidan ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобга олинади.



<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги қонуни.

**2-расм. Пенсияни ҳисоблаш чиқариш учун талаб этиладиган энг кам иш стажи миқдори<sup>6</sup>.****2-жадвал****Ривожланган давлатларда ёшга доир пенсия учун талаб этилган меҳнат стажи ва пенсияга чиқиши ёши**

Мамлакатлар номи	Ёшга доир пенсия учун талаб этилган меҳнат стажи		Умумий асосларда ёшга доир пенсияга чиқиши ёши	
	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар
АҚШ	10	10	66	60
Франция	40	40	62	62
Германия	5	5	65	65
Испания	15	15	65	65
Италия	18	18	65	60
Япония	25	25	65	65
Чехия	10	10	62	60
Жанубий Корея	20	20	60	60
Латвия	10	10	62	62
Литва	30	30	62.5	60
Эстония	15	15	63	63
Озарбайжон	12	12	62	57
Арманистон	25	25	63	63
Беларус	25	20	60	55
Россия	25	20	60	55
Тоҷикистон	25	20	63	58
Туркманистон	25	20	62	57
Ўзбекистон	25	20	60	55

Қолаверса, дунёда демографик аҳоли сонинг ортиши ҳисобига, пенсияга чиқишига бўлган талаб ва ёш бўйича ҳам ўзгартиришларни кузатиш мумкин. Юқоридаги жадвал асосида пенсия ёшини қонун билан белгиланган пенсия ёшидан кейинга қолдириладан кейин ишлаган ҳар бир ой учун 0,5% юқори пенсия йифими ҳисобга олинса, бизнинг тартиб бўйича ҳар бир пенсиядан кейин ошириб бажарилган йиллик стаж учун ҳисобга олинган ўртacha иш ҳақининг 1%дан кўшиб берилиши назарда тутилади.

**Мунозара.** Ҳар бир ҳисобга

олинадиган пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, улар қуидагича таркиб топади:

- пенсиянинг таянч миқдоридан;
- иш стажи учун пенсиянинг оширилишидан;
- пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан.

Пенсияларнинг таянч миқдорлари қуидагича белгиланади:

- а) ёшга доир пенсия учун — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун (31 ва 33-моддалар) олинадиган ўртacha ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган ёшга доир

<sup>6</sup> Пенсия ва ижтимоий жамғармалар халқаро ассоциацияси маълумотлари асосида <https://www.apsf.ru/>

энг кам пенсиянинг камидаги 100 фоизи миқдорида;

б) I ва II гурух ногиронларига ногиронлик пенсияси учун — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин ёшга доир энг кам пенсиянинг камидаги 100 фоизи миқдорида;

г) оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин ёшга доир энг кам пенсиянинг камидаги 50 фоизи миқдорида;

д) ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга ёки вафот этган ёлғиз онанинг болалари, ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин ёшга доир энг кам пенсиянинг камидаги 100 фоизи миқдорида иш стажи учун пенсиянинг оширилишидан;

Пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун (пенсияларнинг таянч миқдорлари) қўйидагича оширилади:

а) ёшга доир пенсиялар — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида;

б) I ва II гурух ногиронларига ногиронлик пенсиялари — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида;

г) боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун — боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида оширилади.

Отасидан ҳам, онасидан ҳам жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ошириш ота ва она иш ҳақларининг умумий миқдоридан келиб чиқиб, пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробари миқдори доирасида амалга оширилади.

пенсияга кўшиладиган устама

ҳақлардан

ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар кўйидаги миқдорларда белгиланади:

а) I гурух уруш ногиронларига — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 150 фоизи;

б) II гурух уруш ногиронларига — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 125 фоизи;

г) кўзи ожизлик бўйича I гурух ногиронларига — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 100 фоизи;

д) I гурух ногиронларига — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 75 фоизи;

е) II гурух ёлғиз ногиронларига — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 75 фоизи;

ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 50 фоизи;

з) 1941 — 1945-йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг — 30 фоизи;

и) вафоти ҳарбий хизмат ёки ички ишлар органларидағи хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналарига ва янги никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева эрларига) — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 30 фоизи.

к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга — хизматларига қараб — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 100 фоизидан 150 фоизигача.

л) ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш хуқуқига эга бўлган артистларга — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 75 фоизи;

м) театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимларига, театр ва мусика санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўкув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва

концертмейстерларига, Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган — пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг — 50 фоизи.

Қўйидагилар иш стажига қўшиб ҳисобланади:

а) 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган хар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — ходим томонидан бажарилган хар қандай иш, агар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса.

1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра жамоа хўжалигига белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, маҳсус алоқа органлари ва тоғ-кон-кутқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат ва оиласвий тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан шахсий ёрдамчи хўжаликдаги ва юридик

шахс ташкил этилмаган ҳолдаги дехқон хўжалигидаги фаолият:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда, 2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун — ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда амалга оширилади. Колган ҳолатларда 2020 йил 1 январдан — ижтимоий солик тўланган тақдирда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

**Хулоса.** Пенсия тизими меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг муҳим бўғини ва ижтимоий сиёsatнинг устувор йўналиши бўлиб, уни самарали амал қилиши мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожланишини ва самарадорлигини оширишни муҳим омили ҳисобланади. Умуман олганда пенсия тизимининг тарққиёти зиддиятли характерга эга. Бу, бир томондан, ходимларнинг кексалик ёши, меҳнат қобиляти, бокувчисини йўқотганда даромадларидан маҳрум бўлишидан ҳимоя қилувчи ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куvvatlovchi тизим бўлса, иккинчи томондан эса, пенсия тизими мамлакат молия тизимининг таркибий қисми сифатида унинг молиявий ресурсларини қайта тақсимлашда иштирок этади. Бадаллар ва пенсия тўловлари миқдори ўртасидаги бевосита боғлиқлик кишиларда бадалларни солик сифатида қабул қилмасликка ундаиди. Бадалларни тўламасликдан манфаатдор бўлиш, “норасмий сектор” га ўтиб кетиш ка салбий ҳолатларнинг олди олинади.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ти Конуни. 1993 йил 3 сентябрь.
2. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Б.Б.Бахтиёров, Ж.Н.Файзуллаев, Ш.Р.Рахманов, Д.Ш. Одинаев. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. / А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Б.Б.Бахтиёров, Ж.Н.Файзуллаев, Ш.Р.Рахманов, Д.Ш. Одинаев. – Тошкент.: “Iqtisod-Moliya”, 2018. - 394 б.
3. Вахабов А.В., Мажидов Н.М. Жамғарib бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. –Т.: “Universitet”, 2017. -127 б.
4. Ijtimoiy ish va ijtimoiy ta'minotga kirish: Darslik / A.V. Vaxabov, Sh.Sh. Zaxidova, B.B. Baxtiyorov, D.SH. Odinayev, J.N. Fayzullayev; - Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2018. – 168 б.
5. Вахабов А.В. — Бозор муносабатлари тизимидағи ижтимоий фондлар. – Т.: — Шарқ, 2003. 90 б.
6. Мажидов Н.М. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий сугурта тизимини ислоҳ қилиш (пенсия тизими мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2003. – 23 б.
7. Умурзаков Б.Х. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Монография. – Т.: «Фан», 2005. – 175 с.
8. Хакимова М.А. Реформирование и развитие социального сектора Узбекистана в условиях перехода к рынку. Автореферат дисс. на соис. учен. степ. д.э. н. – Ташкент, 2000. – 38 с.
9. Хусанов Б.Ш. Проблемы регулирования финансового механизма социального обеспечения населения. Автореферат дисс. на соис. учен. степ. канд. экон. наук: – Ташкент, 2011. – 25 с.
10. Антропов В.В. Социальная защита в странах Европейского союза. История, организация, финансирование, проблемы / М., 2006. – 271 с.
11. Иванов А.Н. Пенсионное страхование как фактор трудовой мотивации /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. – М.: 2008. – 18 с.
12. Вахабов А.В. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари. “Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш” мавзусида республика илмий-амалий конференция. - Ташкент.: “Университет”. 2017. 4-11 б.
13. Гонтмахер Е. Особенности реформирования пенсионного обеспечения в Германии // Социальная политика в период перехода к рынку: проблемы и решения. - М.: Московский центр Карнеги, 1996. - 131-132-6.
14. Далимов Р.Т. Мировой опыт реформирования пенсионной системы и его применение в условиях переходной экономики. –Т.: Университет, 2003. – 212 с;
15. Зотов И. Роль НПФ в реализации новой модели пенсионного обеспечения.// Человек и Труд. Москва. 2002. №11.-20-стр.
16. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
17. [www.pfru.uz](http://www.pfru.uz)
18. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)
19. [www.unstats.un.org](http://www.unstats.un.org)
20. [www.undp.org](http://www.undp.org)